

КАРТОШКА (SOLANUM TUBEROSUM L.) ЭКИНИДАН IN VITRO УСУЛИДА МИКРО ТУГАНАКЛАР ОЛИШ УЧУН ОЗИҚА МУХИТИНИ ТАЙЁРЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Хазратов Аббос Тўлқин ўғли

Тошкен давлат аграр университети “Картошкачилик” мутахассислиги

магистранти

Хасан Буриев Чутбаевич

Тошкент давлат аграр университети “Мева-сабзавотчилик ва узумчилик”

кафедраси профессори, биология фанлар доктори

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада картошка (*Solanum tuberosum l.*) экинидан *in vitro* усулида микро туганаклар олиш учун озиқа мухитини тайёрлаш технологияси ҳақида илмий асосланган маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: *In vitro*, ургулук материаллар, озуқа мухит, стериллаш.

ANNOTATION

This article provides scientifically based information on the technology of preparation of nutrient medium for the production of micro-tubes *in vitro* from the crop of potatoes (*Solanum tuberosum l.*).

Keywords: *In vitro*, seed material, nutrient medium, sterilization.

Ҳозирги кунда дунёнинг 156 мамлакатида ҳар йили 377 миллион тоннага яқин картошка туганаклари етиштирилади. Хитой, Ҳиндистон, Россия, Украина, АҚШ, Германия, Бангладеш, Полша, Франция ва Нидерландия каби давлатлар картошкани энг кўп ишлаб чиқарувчилари ҳисобланади. Йилдан йилга дунёда ахоли сонининг ортиб бориши натижасида сабзавот экинларига, айниқса

картошка туганаклари бўлган еҳтиёж ортиб бормоқда. Чунки картошка озиқовқат истеъмолида муҳим ўрин тутади. Шунингдек картошка таркибида оқсил, ёғ, углеводлар, органик кислоталар, В₁, В₂, РР, С, Д, К, Э, А витаминлари, натрий, калий, магний, калсий, темир, фосфор, ёд каби элементлар мавжудлиги билан бошқа сабзавот экинларидан ажралиб туради ва инсон саломатлиги учун фойдали ҳисобланади.

Ушбу картошкага бўлган еҳтиёжини қондириш учун картошка етиширишнининг янги инновацион технологияларини ҳамда вируссиз картошка уруғларини олиш технологиясини ишлаб чиқиши талаб қиласди.

Хозирги кунда картошка ишлаб чиқарувчи мамлакатларда вируссиз асосда ташкил этилган уруғчилик майдонларида сифатли уруғлик материаллар етишириш асосида картошканинг юқори ҳосилдорлигини таъминловчи селекцион ва технологик тадбирларини ишлаб чиқиш долзарб муаммо бўлиб келмоқда. Шу сабабли биз *In vitro* шароитида картошкадан вируссиз асосда микро туганаклар олиш устида илмий тадқиқотлар олиб бормоқдамиз. *In vitro* шароитида картошкадан вируссиз микро туганаклар олишда озиқа муҳити муҳим ўрин тутади. Озиқа муҳитларини таёrlаш технологияси бир мунча масулятли иш бўлиб озиқа муҳитининг микро туганаклар ривожланишига турлича таъсир қиласди. Озиқа муҳитини тайёрлаш бир неча босқични ўз ичига олади.

Авваламбор озиқа муҳитлари автоклавда 120 °С ҳароратда 0,75 -1 атм босимда 20 минут давомида стерилланади. Агар озиқа муҳит таркибига юқори ҳароратда парчаланиб кетувчи моддалар киритилган бўлса, у ҳолда бу моддалар маҳсус бактериал філтрлардан ўтказиб тозаланади, сўнг автоклавланган ва 40°С га ча совитилган асосий озиқа муҳитга қўйилади.

Идишларни олдиндан зар қоғозга ёки оддий қоғозга ўраб, қуритиш шкафларида 160°С ҳароратда 2 соат давомида стериллаш лозим.

Ажратилган ҳужайра ва тўқималарни културалаш учун озиқа муҳитлари таркибида ўсимлик учун зарур бўлган барча макроелеметлар (азот, фосфор,

калий, калсий, магний, олтингугурт, темир) микроелементлар (бор, марганес, рух, мис, молибден ва бошқалар) шунингдек витаминалар, углеводлар, фитогормонлар ёки уларнинг аналогларини тутиши зарур. Баъзи озиқа мухитларга казеин гидролизати, аминокислоталар ҳам қўшилади. Бундан ташқари, ҳужайранинг темирга бўлган талабини қондириш учун озиқа мухитлар таркибиға ЭДТА (етилендиаминтетрацирка кислота) ёки унинг натрийли тузи киритилади.

Каллус тўқимаси олиш учун баъзи ҳолларда озиқа мухит таркибиға кокос ёнғофининг суюқ эндосперми (какое сути), каштан қўшилади. Углеводлар ажратилган ҳужайра ва тўқималар култураланаётган озиқа мухитнинг зарурий таркиби ҳисобланади. Чунки улар автотроф озиқланиш ҳусусиятига эга эмас. Углевод манбаи сифатида 2-3% ли концентратсиядаги сахароза ёки глюкозадан фойдаланилади.

Фитогормонлар ҳужайраларнинг дедиффенсияланиши ва ҳужайралар бўлинишини тезлаштириш учун зарур. Шунинг учун каллус тўқималар олишда озиқа мухит таркибида албатта ауксинлар (ҳужайралар дедифференциясини чақиради) ва ситокинилар (ҳужайралар бўлинишини чақиради) бўлиши шарт. Поя морфогенезини юзага келтиришда озиқа мухитдаги ауксиннинг миқдори камайтириллади ёки умуман қўшилмайди.

Гормонсиз мухитда шиш тўқималари ёки қўниккан тўқималар ўсади. Улар ўзлари гормон синтез қилиш ҳусусиятига эга бўлади.

Озиқа мухитларда ауксин манбаи сифатида 2,4-дихлорфеноцирка кислота (2,4 -Д), индолил 3-цирка кислота (ИСК), нафтилцирка кислотаси (НКС) дан фойдаланилади. Ғовак, (пўк) яхши ўсувчи каллус тўқимаси олиш учун асосан 2,4-Д дан фойдаланилади, чунки унинг фаоллиги ИСКга нисбатан 30 марта юкори.

Сунъий озиқа мухитларда ситокинин манбаи сифатида кинетин, 6-бензиламинопурин (БАП), зеатиндан фойдаланилади. Ажратилган тўқималарни ўстиришда, органларни ҳосил қилишда кинетинга нисбатан 6 -БАП ва зеатиндан

фойдаланиш күпроқ самара беради. Баъзи озиқа мұхитлар таркибига аденин құшилади.

Қаттық озиқа мұхити тайёрлаш учун денгиз сув ўтларидан олинадиган полисахарид агар-агар моддасидан фойдаланилади.

Макро-микро элементлар тузлари эритмаларини, шунингдек витаминлар ва фитогормонларнинг концентрантланган (микдори оширилген) эритмаларини тайёрлаб, улардан оз микдорда олиб, суюлтириб ишлатиш мумкин. Концентрантланган бошланғич эритмалар совутгичда сақланади.

Озуқа мұхитлари таркибига қараб табиий, сунний ва синтетик бўлади. Уларнинг таркибида Аммоний нитрат, калий нитрат, калсий хлорит, магний сульфат, бромид, калий ёдид, тиамин, аскорбин кислота, никотин кислота мезионнозит ва сахароза бор.

Хулоса

Уруғлик картошка етиштириш кенг қамровли соҳа булиб унинг асосини, маълум картошка навининг қасалликлардан (патоген ва вируслардан) холи бўлган бирламчи уруғлигини олиш ва уни босқичма-босқич қўпайтиришдан иборат.

Донли экинлардан фарқли, картошка вегетатив усулда қўпайгани сабабли уруғликни доимо янгиланиб боришини талаб этади.

Шу сабабли уруғлик картошка етиштириш ҳужайра технологияларига асосланган *In vitro* усулида бирламчи уруғликни - микротуганаклар шаклида ёки *In vitro* ўсимлик сифатида олишдан бошланади.

Картошканинг бирламчи уруғлиги иссиқхоналарга ёки патогенлардан холис ер майдонларига экилиб юқори авлодга мансуб уруғлик картошка етиштириш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйҳати

1. Alvarez, A., Garzo, E., Verbeek, M., Vosman, B., Dicke, M., and Tjallingii, W. F. 2007. Infection of potato plants with Potato leafroll virus changes attraction and feeding behaviour of *Myzus persicae*. Entomol. Exp. Appl. 125:135-144.
2. Blackman, R. L., and Eastop, V. F. 2000. Aphids on the World's Crop: An Identification and Information Guide, 2nd ed. John Wiley & Sons Ltd., New York .
3. Boiteau, G., Singh, M., Singh, R. P., Tai, G., and Turner, T. 1998. Rate of spread of PVY (N) by alate *Myzus persicae* (Sulzer) from infected to healthy plants under laboratory conditions. Potato Res. 41:335-344.
4. Brunissen, L., Cherqui, A., Pelletier, Y., Vincent, C., and Giordanengo, P. 2009. Host-plant mediated interactions between two aphid species. Ento-mol. Exp. Appl. 132:30-38.